



* Тўмариснинг асли Ватани Сурхондарёми?
 * “Дарс” даги рингда бугун домлалар
 * Кўр хонанданинг кўзи очилгандаги орзуси
 * “Туркистон” да кашф этилган ёш талантлар



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 март Шанба. № 19 (14301)

ҲАЖ ЗИЁРАТИ БОШЛАДИ

2 март куни эрта саҳарда “Ўзбекистон ҳаво йўллари”-га қарашли самолётларда ўзбекистонлик бўлгуси ҳожиларнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Муқаддас Ҳаж зиёратига отланган юртдошларимиз исломнинг беш арконидан бири - Маккаи Муқаррамадаги муқаддас Каъбани тавоф этиш амалини бажариш сари биринчи қадамни қўйди.

— Дилимдаги энг эзгу орзуларимдан бири ушалмоқда - Яратган Парвардигор буюрган амални адо этиш шарафига мушарраф бўлмоқдан, деди Тошкентнинг “Обод” маҳалласида яшовчи Ҳикматилла ота Ҳасанов. - Менинг энг эзгу тилагим - ҳар ким Оллоҳ буюрган амалларни адо этиш бахтига муяссар бўлсин. Иймон-этиқодли мусулмонларга шундай имкониятни яратиб берган ҳукуватимизни яхшилик йўлидан тойдирмасин, Президентимиз Ислам Каримовнинг умрлари зиёда бўлсин. Марказий телеграфда 38 йил ишладим. Ўтган замоннинг барча аччиқ-чучук кунларини кўрдим. Лекин бир кун келиб улуг бахтга мушарраф бўламан, деб ўйламаган эдим. Бу ҳам бўлса, мустақиллигимизнинг шарофати, давлатимиз раҳбарининг юртпарварлиги намунасидир. Бундай кезларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрь куни қабул қилинган “Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида”ги қарорини эсламай бўладими. Юртбошимиз Ислам Каримов имзолаган ушбу ҳужжатда мазкур муборак сафарни ният қилган ватандошларимизга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасидаги муҳим тадбирлар белгиланган. Рафикаси Махфуза Юсупова билан муборак сафарга отланган тошкентлик Исмат ота Неъматов ҳам шундай буюк бахтга мушарраф бўлаётган ватандошларимиздан экан.

— Беш фарзандимизнинг ҳаммаси қобил бўлиб ўсди, қизларимиз жойини топди, ўғилларим яхши ишларнинг бошини тутди, - дейди отахон. - Ҳукуватимиз мустақиллик-

нинг дастлабки йилларидан Маккаи Муқаррама йўлини очгач, Ҳаж зиёратига бориш ниятини дилимга тугиб қўйган эдим. Ният холис бўлса, тилаклар ижобат бўлар экан. Аввало, шундай имкониятни яратган ҳукуватимизга, Президентимиз Ислам Каримовга мингдан-миг раҳмат. Ахир, бундай имкониятни Шўро замонидан орзу ҳам қилолмас эдик! Ҳозир ўзимнинг қарилгимни ҳам сезмаяпман, кўнгил тўқ бўлса, киши кексаликка бўй бермас экан.

Аэропортнинг боғхона варақалари тўлдирилладиган бўлмасида қулай аравачада ўтирган кекса онахонни кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Келини билан суҳбатлашиб ўтирган Қумрихон аянинг ёшлари саксон тўртта экан. Онахоннинг кўзларида севинч ёшлари. Дилидаги шукрона тилидан тушмайди.

Волидаи муҳтарамасини Ҳаж зиёратига олиб жўнаётган Абдулла Ҳакимов билан суҳбатладим. Билсам, онахоннинг соғлиги яхши, ҳамон катта бир оиланинг тиргаги экан. Фақат, ўғил онасини уринтириб қўймаслик учун аравачага ўтказиб олибди. Шунда онасини елкасига опичлаб, тоғ ва саҳролар оша Ҳаж зиёратига олиб борган йигит ҳақидаги қадимий афсона ёдимга тушди. Ўйладимки, халқимиз дилидаги бу каби энг эзгу фазилатлар ҳамон барқарордир.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”-нинг самолётлари яна бир неча кун давомида муқаддас зиёратга бораётган юртдошларимизни кўзлаган манзиллари сари элтади. Бўлажак ҳожиларимизнинг сафарлари бехатар, дуолари мустажоб бўлсин!

Мусулмон НАМОЗ,
ЎЗА мухбири



“Сиз қачон китоб ўқийсиз? Фақат сессиядами? Хато қиласиз...” дейди Тошкент шаҳар енгил саноат коллежи талабаси Мунисахон Эргашева.

Сураткаш: А. ХАМИДОВ

“Дунёга танилган юртим”

Ўзбекистон жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилоти - Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганига саккиз йил тўлди. 1992 йилнинг 2 мартда БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош Ассамблеяси биноси олдида илк бор мустақил Ўзбекистонимиз байроғи кўтарилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз жаҳонга чинакамига юз очди. БМТга аъзо бўлган давлатлар орасида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди.

БМТнинг 1993 йили ўтказилган 48-сессияси ҳамда 1995 йилги 50-сессиясида сўзлаган нут-

қида Президентимиз Ислам Каримов халқаро жамоатчилик фикрини минтақамизда тинчлик, осойишталик ва хавфсизлик муаммолари ечимига қаратганлиги ҳам Ўзбекистон бу ташкилотда бугун ўз овози ва нуфузига эга эканини кўрсатади.

Тошкент Давлат юридик институтида Республика “Маънавият ва маърифат” маркази билан ҳамкорликда ўтказилган “Дунёга танилган юртим” мавзуидаги маънавий-маърифий анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан институт ректори Халим Бобоев, “Маъ-

навият ва маърифат” маркази раҳбарининг ўринбосари, адабиётшунос олим Султонмурод Олимов, Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази директори Омонжон Муҳаммаджонов ва бошқалар Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз ташқи сиёсатида ана шу энг нуфузли халқаро ташкилотнинг мақсад ва қоидаларига қатъий амал қилиб келаётганини таъкидладилар.

С.ҲОШИМОВ
(ЎЗА)

Дунёда бадий ижод аҳли ютуқларини эътироф этувчи кўплаб нуфузли танловлар бор. “Оскар”, “Гремми” ва “Ника” каби соҳибдорларни олиш ижодкор учун бир умрга хотирада қоладиган улкан воқеа ҳисобланади.

Айтмиш мумкинлики, мустақил Ўзбекистонимизда учинчи минг йиллик арафасида илк бор ўтказилаётган “Офарин” танлови ҳам ўз моҳиятига қўра нуфузли дунёвий танловлардан қопшмайди деган бўлади.

Қавомга Екифия ВАБАТОНОВНИНГ АВАЛОЙ МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ САҲАВАЛАРИНИ ЎЗГА ҚАМРАГАН ЭКАН. ВААМШУМУДА ЖАНГ МАЙВЕНИ — ТЕМОР ҚОДУҒ ВАРАСИГА БУАГА-НИ БУ МУҚАДДАС ЗАМОННИНГ ҚАВРИНИ ЯНА-ВА ОШАРАВДИ. МААДИКА ТўМАРИС ҚАРИЙБ XXV АСРАДК ТАРИХ ҚАҲРИВАГИ ЗАБУНАДҚ-ВАН ЯНА ЎЗ ЖОНАЖОН ВАТАНОГА — ОЗОВ ВА МУСТАҚИЛА ЎЗБЕКИСТОНГА АСРААР ОША ҚАЙТИБ КЕАМОҚВА.

5-БЕТ

“Камолот” — ёшлар таянчи

МУАММОЛАР... УЛАРНИ ЕЧЯМИЗМИ?

Республика Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқларида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг шунингдек, ёшлар муаммоларини ҳал этишнинг кейинги даврга мўлжалланган йўл-йўриқлари белгилаб берилди. Бевосита ёшлар билан ишловчи “Камолот” жамғармасининг республикамиз ҳудудидаги бўлимлари бу кўрсатмаларни қандай амалга оширмақда? Шу муносабат билан “Камолот” жамғармасининг вилоятлардаги мутасаддиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат этдик:

1. Бўлим ёшлар билан ишлашда қандай тажрибага эга?
2. Утган йили қанча ёш иш билан таъминланди?
3. Кишлоқ ёшлари ўртасида қандай тадбирлар ўтказилмоқда?
4. Ёш тадбиркорлар “Камолот” эътиборидами?
5. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?
6. Бугунги кунда “Камолот” ўз вазифаларини мукамал адо этиши учун қандай муаммоларга дуч келмоқда?

“Туркистон” саволларига “Камолот”нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси ўринбосари Ботир НУРСАЙТОВ жавоб беради:

1. Жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақтда бўлимимиз республика миқёсида бир қатор тадбирларни, жумладан: “Сиз тарихни биласизми?”, “Сиз қонунни биласизми?”, “Шунқорлар” сингари кўрик-танловлар, ҳарбий спорт мусобақаларини ўтказди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида шаҳар, туман ва маҳаллаларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда “Усмир ва қонун” мавзусидаги очик мулоқотлар уюштирилди. Спорт турлари бўйича “Камолот Кубоги” мусобақалари уюштирилди.

2. Мехнат вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 13987 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Шунингдек, “Камолот” томонидан 155 нафар ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил қилинди. Ишсизликнинг олдини олиш, кишлоқ хўжалигида фермерликни ривожлантириш мақсадида ер олдиқ. Деҳқончилик билан шуғулланмоқчимиз.

3. “Камолот” энг чекка кишлоқларга ҳам кириб боришга ҳаракат қилляпти. Кишлоқ ёшлари ўртасида диний ақидапарастлик ва мутаассибликнинг олдини олиш, йигит-қизларнинг маънавий онгини юксалтириш, замонавий билимларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилляпти. Кишлоқ йигит-қизлари иштирокида ўтказилган

турли спорт мусобақалари, ҳуқуқий, диний мавзудаги суҳбатлар кўпчилиқда яхши таассурот уюғотди.

4. Ёш тадбиркорлар ўртасида пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилишда банклар, тадбиркорлар палатаси, “Бизнес фонд” билан ҳамкорликда баракали ишлар амалга оширилди. Янги иш бошлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

5. Бўлимимиз иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурига эга. Жойлардаги жамоатчилик марказларида тўғрақлар ташкил этиб, истеъдодли ёшлар, ўсмирлар уларга жалб этилган. Шунингдек Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва ҳар йилги “Камолот” мукофоти номунозорлар тавсия қилинмоқда.

6. Кишлоқ жойлардаги ёшлар ўртасида ишбилармонликни, фермерликни ривожлантиришга оид муаммолар учраяпти. Лекин бўлимимиз ана шу тўсиқлар, қийинчиликлар қаршисида қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Биз қатор маслаҳат марказлари ташкил қилдик. Ёшлар муаммоларни ҳал этишда улардан маслаҳат, кўмак олишлари мумкин. Қолаверса, жамоатчилик марказларимизга 125 гектар ер ажрати берилган. Ана шу ердан унумли фойдаланиш ҳам ўзининг самарасини беради, деб ўйлайман.

Бугун дунё бугун тарихий-оламшумул ўзгаришлар силсиласини бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон янги XXI асрга дадил, ишончли қадамлар билан кириб бормоқда. Жаҳон жамоатчилиги мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришларни, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимизни, одамлар онги ва дунёқарашида содир бўлаётган фикрий тиниқликни катта қизиқиш ва ҳавас билан кузатиб турибдилар. Ўзбекистон жаҳоний андозаларга мос ва хос халқаро анжуманлар, йирик мусобақалар, кўрик-танловлар, тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлидаги учрашувлар марказига айланиб қолаётгани юксак минбарлардан туриб эътироф этилмоқда.

Бизнинг энг катта ютуқларимиздан бири шуки, қисқа вақт ичида одамлар тафаккури ва дунёқарашида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўзликни англаш, мил-

босов, Владимир Шапиро, Хуршид Дўстмуҳаммад, Дадахон Ёқубов, Отаназар Матёқубов каби элимизнинг ардоқли кишилари бўлган хайрат аъзолари шу кунларда танловга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишлари билан танишмоқдалар. Ҳар бир ишнинг ғоявий-бадий қиммати, аҳамияти, мустақиллик манфаатларига мослиги, янгилиги алоҳида кўриб чиқилмоқда.

“Фонон” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари “Офарин” танлови ғолибларига тантанали равишда топширилаётган махсус совринларни ҳомийлик асосида тайёрлаб бердилар. Кўнгулда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган бу совринларни кўриш, томоша қилишнинг ўзи бир олам қувонч. Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик маданий-маърифий тадбирларга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келётган “Ўзэлектроаппарат” ишлаб чиқариш бирлашмаси бу гал ҳам саҳоватпешалик қилмоқда. Улар “Халқлар дўстлиги” саройи-

“О Ф А Р И Н”

лий ва умуминсоний қадриятлар эъзозига қайтиш, дунёда, минтақада, мамлакатда кечаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини мустақил равишда идрок этиш, мустақил фикрлаш ана шу ютуқларимиз сирасига киради!

Ўртбошимиз ибораси билан айтганда, бугунги одамлар кечаги кун одамларидан кескин фарқ қилади. Уларнинг аниқ мақса-

Йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови. Танлов шiori: “Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва она-заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!”

ди, нуқтаи назари, ҳаётий воқеаларга ўз муносабати бор.

Мустақиллик йилларида маданий ҳаётда, бадий ижодкорликда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Ижод аҳли янги шароитларда ижодий тафаккур эркинлиги йўлидан бориб, истеъдодларининг янги-янги қирраларини намоён этмоқдалар. Истиқлол ғоялари, миллий мафкура масалалари, янги, буюк келажгимиз йўлидаги курашлар, янги замон кишисининг маънавий қиёфаси, ижтимоий қарашлари яратилаётган бадий экран ва саҳна асарларида, тасвирий ва амалий санъат намуналарида ўзининг қуйма ифодасини топмоқда. Ижодкор зиёлиларнинг жаҳият тараққиёти, миллат равнақи йўлидаги ўрни бугун бағоят катта аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ижодкорларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни янада шижоатли ижодий ишларга даъват этиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси, “Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси”, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва бошқа яна бир қатор жамоатчилик ташкилотлари “Офарин” — йилнинг энг яхши ижодкори танловини ўтказишга қарор қилдилар. Ўртбошимиз Ислам Каримов ижодий жамоатчилигининг бу хайрли ташаббусини мамнуният билан қўллаб-қувватладилар.

Танлов Низомига кўра, ҳар йили “Наврўз” байрами арафасида адабиёт ва санъат, матбуот, телерадио журналистикаси соҳасида ижод қилаётган энг иқтидорли ижодкорлар танлаб олинади ва нуфузли ҳакамлар ҳайъати улар орасидан энг муносибларини ғолиб деб эълон қилади.

Дунёда бадий ижод аҳли ютуқларини эътироф этувчи қўллаб нуфузли танловлар бор. “Оскар”, “Гремми” ва “Ника” каби совринларни олиш ижодкор учун бир умрга хотирада қоладиган улкан воқеа ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистонимизда учинчи минг йиллик арафасида илк бор ўтказилаётган “Офарин” танлови ҳам ўз моҳиятига кўра нуфузли дунёвий танловлардан қолишмайдиган бўлади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ўз таркибида Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Қундуз Миркаримова, Муножот Йўлчиева, Шухрат Аб-

нинг саҳнасини махсус мосламалар билан безаш ишларини ўз зиммаларига олдилар. “Совпластитал” қўшма корхонаси мутасаддилари биз ҳам бошқалардан қолмаймиз, дегандай ҳиммат камарини маҳ-

кам боғлаб туришибди. “Тошшаҳарнур” компанияси мутахассислари эса муҳташам зал ва саҳнани ёритиш, жило бериш ишларига бош-қош бўлмоқдалар. “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ижодкорлари айни кунларда пойтахтимизнинг энг сўлим ва кўринарли масканларини чиройли ранг-тасвир воситаларида безаш билан машғулдилар. “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси, “Ўзбектеатр” ижодкорлари, рассомлар, саҳна усталари, безакчи-дизайнчилар, саҳна мутахассислари жамул-жам бўлишиб, ғолиблар ша-рафланадиган кечани ҳар жиҳатдан бетакрор ва таъсирчан бўлишини таъмин-

лаш тадориғини кўрмоқдалар. Жамоатчиликнинг бу хайрли ҳаракатини Маданият ишлари вазирлиги, Давлат Матбуот кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзтелерадиокомпания”си ва яна бир қанча корхоналар қўллаб-қувватламоқдалар. Матбаачилар ғолибларга топширилаётган махсус ёрликларни алоҳида меҳр билан тайёрлашмоқда. Савдо, транспорт ва алоқа соҳаси жонқуярларининг “Бизга нима хизмат?” деб турганлари диққатга сазовордир.

Ташкилий кўмита аъзолари мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қоладиган, ижодкорларни янги-янги асарларга илҳомлантирадиган бу танловнинг муваффақиятли ўтиши учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Яқинда шу кўмита таркибида “Офарин” танловини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари билан шуғулланувчи Матбуот хизмати ташкил этилди (тел: 133-52-91).

Энг муҳими — “Офарин” танловини ўтказишга ўз ҳиссаларини қўшишга ният қилган ҳомийлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Офарин, сизга саҳоватпешалар. Улар орасида, ҳозирча:

“Ўздовматбуотқўм”нинг ижарадаги Тошкент Матбаа корхонаси,

“Ўзбексавдо” уюшмаси,

“Фонон” бирлашмаси,

“Совпластитал” қўшма корхонаси,

“Ўзэлектроаппарат” бирлашмаси,

“Демир” қўшма корхонасининг ҳиссалари юқори бўлиб турибди.

“Офарин” танлови элимизни, юртимизни, истиқлол ғояларини тараннум этувчи анъанавий ижодий беллашув бўлиб қолиши шубҳасиздир.

**Аҳмадjon МЕЛИБОЕВ,
“Офарин” танлови Матбуот
хизмати бошлиғи**

Келажак мактабдан бошланади

Бухоро вилоятида 2000 йилдан бошлаб, ҳар ойнинг учинчи душанбасида “Мактаблар куни” тадбири ўтказилмоқда. Шу кунни вилоят ташкилотлари раҳбарлари белгиланган жадвал асосида мактабларда бўлиб, муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоқда. Ишламай ётган иситиш тизимлари, хувиллаб қолган ошхоналар, китобсизликдан ғариблашган кутубхоналар, газета-журналлар обунаси ва яна кўплаб ёрдамга

лаштирилади. Банкда ҳисоб рақами бўлган, мактаблар тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиб, ўзига ўзи маблағ топишига ҳам имкон яратилади. Вилоят ҳокимининг ҳар бир кишлоқ мактабига камида бир гектар сифатли ер ажрати бериш ҳақидаги қарори эса бу борада жуда қўл келди.

Айни пайтда болаларнинг соғлом вояга етишлари учун ҳар бир мактабда теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол майдончаларидан иборат спорт шаҳарчалари яратиладиган бўлди. Тадбиркорлар, ташкилот ва корхона жамоалари уларни спорт жиҳозлари билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Мактабларда компьютер хоналари ташкил этиш, ўқувчиларни турли адабиётлар билан таъминлаш, газета ва журналларга обунани қилишда ҳам ҳомийларнинг кўмаги катта бўлмоқда. Фермер ва жамоа хўжалиқлари эса кишлоқ мактаблари ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш, муаллимларга моддий ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олди.


**Илхом САФАР,
ЎЗА муҳбири**

2000 йил - Соғлом авлод йили

муҳтож соҳаларга оид масалалар айни шу кунни ўз ечимини топмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Мухторовнинг таъкидлашича, “Мактаблар куни” натижасида ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ҳомийлардан ҳозиргача 40 миллион сўмдан зиёд маблағ тушди.

Яна бир янгилик. Илгари йиқитувчиларнинг ойлик маошларини ҳар бир мактаб ўзига қарашли туман халқ бўлими орқали оларди ва бу кўплаб муаммоларни келтириб чиқарарди. Вилоят ҳокимининг қарори билан энди ҳар бир мактабнинг банкларда ўз ҳисоб рақами очилади ва улар тўғридан тўғри молия-

Д ТҮРТА ПАРАДА ДАҚИФА



МАЪРУЗА ТАЛАБАГА ЁҚСА

Айнан ана шу савол билан Ўзбекистон Миллий Университети талабаларига мурожаат қилдик.

Шерзод Абдуллаев — ҳуқуқшунослик факультети талабаси:

— Бизда, кўпчилик олийгоҳларда ҳам шундай бўлса керак яъни, домлалар маърузасини тез ўқиши туфайли ёзиб олишга улгурмаймиз. Талаба маърузадан бир нарсани олмаса, тушунмаса, унинг кимга кераги бор?

Моҳира Кубаева — ижтимоий сиёсий фанлар факультети, социология бўлими талабаси:

— Айрим домлаларимиз дарсларда маърузани бир чеккага суриб, ўзининг шахсий ҳаётини гапиришга ўтади.

Уларга дарс ўтинг деёлмасак. Тўғриси айтсак, домлага яхши кўриниш, сессия олди "пачакилашиб" қолмаслигимиз учун гапиролмаймиз.

Соҳида Аллаёрова — журналистика факультети талабаси:

— Бизда ҳам маъруза соатларида баъзи тенгдошларимиз ухлаб ўтиришади. Уларнинг айримлари шартнома асосида ўқишга кирган. Ачинарлиси, бундай талаба ҳар дақиқаси учун пул тўлайди. Нега энди, у олтинга тенг вақтини мудраб ўтказиши керак? Талабани қизиқтириш ўқитувчига боғлиқ эмасми?

(Давоми "Дарснинг 2-саҳифасида")

— Бизнинг "Дарс" имиз саҳифаларида рейтинг ҳақида домла-ю, талабаларнинг турли-туман фикрлари билдирилди...

— Баъзида шундай фикрлар учраб турибди; рейтинг адолатли баҳолаш мезони эмас, деган. Лекин бир нарсага жиддийроқ эътибор қаратиш керак. Рейтинг

кўриб юрган талабасидан кўра ундан кўпроқ нарсани сўрайди. Баъзи ҳолларда ота-она қўйнида яшаётган талаба умуман дарсга қатнашмайди. Аммо курсдан-курсга ўтиши керак. Шунда нима қилади? Домлага ёқиш йўлларини ахтаради, ўртага одам қўяди. Хуллас нима қилиб бўлса ҳам баҳо олишнинг усули-

Мавзуга қайтиб

талаба дарсдан четлаштирилади. Аммо тўғриси кўпинча ҳам шундай эмас. Ўқитувчи бирор талаба устидан рапорт олиб кирса, олдин курсдошлари тасдиқлаб берсин дейман. Лекин курсдошлар яна ўша "қолоқ"нинг

ликка талабаларимиз номидан мана бундай мазмунда ариза тушибди:

"2 та талаба бор, умуман дарсга қатнашмайди, лекин курсдан-курсга ўтди". Текширувдан

ЯНА РЕЙТИНГ ХУСУСИДА

оддий усул эмас. У уч босқичдан иборат. Оралик, жорий, якуний баҳолашдан. Интилувчан талабагина шу вақт мобайнида керакли баллини тўплаб олади. Олдингидай имтиҳонда ўқиб оларман, деган фикрдан воз кечади.

— Лекин шундай бўлса ҳам домла билан талаба ўртасида тортишувлар учраб турибди-ку?

— Талаба вақтида дарсга қатнашмайди, дарс ёқмайди, ёки домла. Ўзи ўқиб ўрганиши мумкин. Лекин ўқитувчи ҳар куни

ни топади.

— Бу ҳолларда кимни айблайсиз?

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети ректори, профессор Баҳром ҚОДИРОВ билан суҳбат

— Талабаларни. Агар ўзимизнинг университет мисолида оладиган бўлсам, 7,500 талаба таҳсил кўради. Ҳаммасига назоратчи бўлолмайман. Ҳақиқий талаба ректор, декан, ўқитувчисининг, қолаверса ўз ўртоғининг ёрдамчиси бўлиши керак.

Олий таълим вазирлигининг қарорига кўра 30 соат дарс қолдирган

ёнини олишади. "Кечиринг, қайта имтиҳон топширсин", дейишади. Бу-

гун эса таълим соҳасида имтиҳон деган сўзнинг ўзи йўқ.

— Агар шундай талабага имконият яратиб берилса унинг ўқиб кетишига ишонасизми?

— Осонгина қутулган талаба бошқа йўлни излаб қолмаса ишонаман. Яширмайман. Яқинда мусиқа факультетида шундай воқеа бўлди. Вазир-

кейин аниқланса, ҳақиқатан ҳам шундай. Деканни сўроқ қилдик. Дарсга қатнашмаган талабалар ҳар гал имкон берсангиз ўқиб кетамиз, дейишган. Кўнгилчанлик оқибати эса кўпчиликка таъсир этди. Натижада декан, унинг ўринбосари ишдан бўшатилди. Икки талаба ўқишдан ҳайдалди.

Талабага ҳар доим имконият яратилган. Фақат у ўзининг кимлигини унутмай ўқиса, изланса бўлгани.

ЛАЙЛО,
"Туркистон" муҳбири

ДАРС ЖАДВАЛИ:

1 пара

Талабашуносликка кириш:

а) рейтингни кўп босқичли усул экан;

б) талабалар нега дарсга муқарраб

2 пара

Домлашунослик асослари:

а) шогирднинг устозига эътибори;

б) талабанин хуш ва масъулияти

3 пара

Тарихшунослик

а) Тўғриси ўзбекистон буюк молоси

4 пара

Эркин соат:

"Талантларни излаймиз" топган талантлар

ДАРС

1 пара: Талабашуносликка кириш

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ВАЗИРЛИКНИНГ ВАЗИФАСИ

"Дарс"нинг икки сони талаба ёшларимиз кўлига етиб борибди ҳамки, таҳририятимиз юзлаб мактублар олди. Уларда йигит-қизларнинг ҳаёти, фаолияти, ташвишлари акс этган. Биз бир қатор саволларни жамлаб, уларга жавоб олиш ниятида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртларида мувофиқлаштирувчи маркази директори, профессор Кодиржон РУЗИЕВга учрадик.

— **Домла, талабаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида вазирлик қандай тадбирлар белгиланган?**

— Талабаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича йил давомида ўтадиган ҳар бир байрамда вазирликнинг топшириги ҳамда тавсияларига кўра аълочи, жамоатчи талабаларга моддий ёрдамлар, мукофотлар, бепул тушликлар, байрам зиёфатлари ташкил этилади. Масалан, 1999 йили олий ўқув юртларининг 16,5 минг талабаларига 20 миллион сўмдан зиёд мукофотлар берилди, 6 мингдан зиёд талабаларга дам олиш масканлари, санаторий ва сихатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилган. Фанларни яхши ўзлаштираётган талабаларга Президент стипендияси, "Улугбек", "Беруний", "Ибн Сино", "Навоий" стипендиялари ва Республика жамғармаларининг махсус стипендиялари тайинланмоқда.

Ижтимоий ҳимоялашнинг яна бир тури — олий ўқув юртларида талабаларнинг барчасига стипендиялар берилади. Вазирликнинг махсус топшириги билан интизомсиз ва қоида бузувчи талабаларга стипендияни бекор қилиш, ёки тўхтатиб қолиш каби жазолар ман қилинди.

— **Маъруза ўзидан шартнома асосида ўқийдиган талабалар ижтимоий ҳимоясига ҳам бориб такал्लипти.**

— Ўқув юрти ва талаба орасида аввал бошидан имзо чекилган шартнома бўлади. Одатда давлат грантларига етарли даражада балл тўплай олмаган абитуриентлар иқтисодий имконияти бўлган тақдирдагина ўз ихтиёрлари билан шартнома тузишлари мумкин. Агар шартномада ўқитиш нархи ичига стипендия тўлови киритилса, талабанинг стипендия олишга ҳаққи бор.

— **Ўқитувчиларнинг-чи?**
— Контракт бўйича олий ўқув юртига тушадиган нобюджет маблағларнинг асосий қисми талабалар ва про-

фессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган. Ундан ташқари олий ўқув юртларида хизмат кўрсатган ўқитувчи, доцент ва профессорларнинг фахрий унвонлари таъсис этилиб, уларга 50 фоиздан ортиқ қўшимча маош белгиланган. 1999 йили 10 мингга яқин профессор-ўқитувчига 7,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Дарслик ва ўқув кўлланмаларини яратишда фаол қатнашган домларга устама иш ҳақи, ижодий таътил ва ёзган кўлэмасининг ҳар босма табоғига 10 минг сўм миқдорида мукофот берилади.

— **"Кундузги" талабаларнинг қўшимча даромад топиш ниятида ишлашига вазирликнинг фикри қандай?**

— Ушбу ҳол олий ўқув юртлари ҳақидаги намунали низомида ҳам белгиланган. Унга кўра кундузги талабалар ўқув вақтидан бўш пайтларида меҳнат шартномаси билан олий ўқув юрти ва ундан ташқари жойларда ишлаш ҳуқуқига эга. Яъни, талаба агар ўқишига ҳалал бермаса ва ўқишини қолдирмаса қонунда рухсат этилган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

— **Айтайлик, ўқитувчининг дарслари талабаларни қониқтирмади...**

— Бу ҳолда талаба олий ўқув юрти маъмуриятига ўз талабини қўйиши кафолатланган. Бундан ташқари санитария нормаларига мос келадиган ётоқхонада яшаш, ҳар йили етти ҳафтадан кам бўлмаган таътил олиш ҳуқуқлари бор.

— **Агарда сиз талаба бўлганингизда нималарга эътибор берардингиз?**

— Кўпроқ тил ўрганган бўлардим. Чунки тилгина дунё цивилизациясининг ахборот маконига кириш учун йўл очиб бериши мумкин.

— **Сиз ректор бўлганингизда-чи?..**

— Эътиборимни барча маблағ ва имкониятларни, ўқув ва илмий лабораторияларни замонавий анжом-ускуналар билан таъминлашга қаратган бўлардим.

— **Ёшларга айтадиган қандай гапларингиз бор?**

— Ёшлар келажакка умид билан боқиши лозим. Ҳамма нарсдан ва барчадан нолийдиган кимсаларга эътибор бермаслик керак. Ҳар ўтган куни ва соати ҳақида ўзига ҳисобот бериб, ўтаётган кунлари қадрига етсинлар.

Я.МЎМИНОВА
суҳбатлашди



ЗУЛФИЯБЕГИМ

Ажабланманг, сизга эртак битгим келяпти. Кўлингизга субҳидамда тутгим келяпти. Майли энди бошлай қолай содда бўлса ҳам...

Бир бор экан, бор бўлганда ҳам оқила, зукко ва донишманд аёл бўлган экан. Барчиной келбатли, қадди-қоматли, Лайли тароватли, Шириндек иззатли, сочлари қамчиндай, юзлари-кўзларидан нур тараларкан. Шу нур ифғатли бир жозибига айланиб кишилар қалбига эзгулик улашаркан. Уни одамлар аллома аёл дерканлар. Онаси уни тўрт ўғил ичида "гулгунчам", "шоира қизим", деркан. Онанинг меҳри дарёдек тошиб, офтоб жилвасидек таралиб, халқ қалбига ҳам етиб борибди. Энди уни элу юрт ҳам "шоира қизим", деб ардоқлайдиган бўлибди. Чунки шоира шундай шеърлар битарканки, ўқиганлар мириқаркан, юрагида қувонч бўлса, тўлқин ураркан, дарди бўлса... шоира шеърлари дардига малҳам бўларкан. Муҳаббат гулларидан поёндоз ёзилган кунлар, гулдек қизгалдоғи, алпомиш ўғлонининг севинчига бахшида битиклари севгининг шароби янглиғ барқ ураркан. Назм дасталари ҳаёт юзани кўрганда янги фарзанд дунёга келгандек бахт бераркан. Шоир инсонга маҳбуб бўлмоқликнинг ўзи уни ижод гулшанида жавлон эттираркан.

Эвоҳ, қутилмаганда бу гулшанини қара булут босибди, бахтли ошига бахтсизлик луқмаси қўшилибди. Фожеали ўлими Фарҳодини — давлатпаноҳини олиб кетибди. Бир кечада тим қора сочлар оппоқ оқарибди. Энди унинг ҳижрон шеърлари оламни титратибди. Ўқиганлар ундаги оху нолага чидаша олмабди. Биргалиқда

фарёд чекишибди. Лекин аёл шунчалар қудратли эканки, икки фарзандни, фарзандлари каби азиз шеърларини бағрига босиб ўзини тутиб олибди. Дард ўтида ёзганлари унинг шоҳ асарларига айланибди. "Хижронинг қалбимда, созинг қўлимда", демиш мисралари оғиздан-оғизга кўчибди. "Мен

Навбатчи олдида қўлида гул кўтарган кекса киши турганмиш. Хужжати йўқ экан, ҳеч қўйишмасмиш. Хабари аёлга етибди. Саккизинчи қаватдан пастга ўзи тушиб бояги отанинг табриқларини қабул қилибди. Шаънига айтилган дуолар ижобат бўлишини жуда-жуда истабди.

Аёл узоқ яшабди. Ҳаёт ҳаёт экан-да, у вақти соати етганда оламдан ўтибди. Еру кўк йиғлабди. Сўнг шоиранинг мангуликка айланган иккинчи умри бошланибди. Одамлар, яқинлари, шогирдлари уни кўмсаганда китобларини қўлга олишаркан. Ўрик гуллаганда шу гулларга боқишаркан. Атиргуллар ора-

сида шоира қадди-бастини кўтариб, "Мен шу ердаман", деяётгандек бўларкан.

Сизга айтган сўзларим эртакмикин, йўқ, у ҳақиқат. Мухтасар сўзларим буюк шоирамиз Зулфиябегим ҳақиқадир. Эртакларга ошно бўлган кўнгилларим ўша аёлни кўргиси, ўша аёл сўзларини яна бир эшитгиси келади. Шунда унинг асарларини қўлимга оламан, уни варақлайман. Уммон-уммон фикр, тўлқинли-тўлқинли сўзлар... Дам сокинлик, дам дарё тошқини. Лекин ҳар гал бирга бўлган дамларимиздек ел-камдан кучиб "Омонмисиз?" деяётгандек, илиқ сўзлар айтаётгандек бўладилар. Ҳа, омонман, опагон, омонмиз. Сиз кўриш насиб этган озод юртда омонмиз, лекин юрт юксалишида, эл юксалишида барибир сиз етишмайсиз. Ахир инсон улғайган сари онасини кўпроқ кўмсайдиган бўлиб қоларкан. Мана энди бундан роппа-роса ўттиз уч йил аввал баҳор фаслида бирга тушган суратимизга бахтли бўлиб ўтирибман. Бахтли эканман-ки, сиздек инсондан ҳаёт сабоғини олдим, бахтли эканман-ки, мактабингизни ўтадим. Унча-мунча битганларимга табарқу қўлингизни қўйдингиз. Бахтли эканманки, китоб жавонимда сизнинг китобларингиз, истаймани, озод гулшанимизнинг навқиронлари зеҳнини шеърятингиз бойитсин. Муҳаббатнинг заҳматли ва тотли онлари уларга мададкор бўлсин.

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

(Давоми. Аввалги "Дарс"нинг 1-саҳифасида)
Бахтиёр Эргашев — талаба:

— 90 минут маърузани тинглаш зерикарли. Дарс ўртасида савол-жавоб бўлиб, талабанинг фикри эътиборга олинса, менимча дарс қизиқарли ва ҳамма учун фойдали ўтади. Масалан, маъруза пайтида ўқитувчига савол берсак, жавоб бермасдан, маърузани бузясан, деб уришиб берадиган домлар ҳам учраб туради.

МАЪРУЗА ТАЛАБАГА ЭҶСА

Шундай бўлгач, биз нима қилардик? Партата бошимизни кўямизда, жимгина "тинглаймиз".

Нилуфар Муҳиддинова — кимё факультети талабаси:

— Дарснинг қизиқарли ўтиши талабага боғлиқ деб ўйлайман. Чунки, у дарсларни диққат билан кузатиб борса, керакли ўринда

бахс, мунозараларга сабаб бўлгучи фикрни айтса, менимча машғулот кўнгилдагидек ўтади.

Дилбар Аралова — журналистика факультети талабаси:

— Маърузанинг қандай ўтиши ўқитувчига боғлиқ. Маса-

лан, ўзим қандай шароитда бўлсам ҳам Аҳмаджон Мелибоевнинг маъруза соатида етиб келаман. Нафақат мен, ҳамма курсдошларим бу дарсни интиқлик билан кутади. Чунки ҳар биримиз бу маърузадан ўзимизга керакли маълумот оламиз.

Элнора Қобилова — тарих факультети талабаси:

— Бизнинг гуруҳимизда жуда ҳам шўх, тўполончи ва шу билан бирга иқтидорли талабалар ўқийди. Ўқитувчилар гуруҳимизга кириши билан тезроқ вақт ўтиб,

чиқиб кетишни ўйлашади. Домларар ўз маърузаларини қизиқарли ўтишларини хоҳлардим. Биз тарихчилар хариталар билан шуғулланишимиз керак. Аммо домларанинг фикрича, тўполончи гуруҳда харита билан ишлаш қийин эмиш... Бир-икки бетгачопар талаба учун, биз айбдор эмасмиз-ку?

Таҳририятдан: Мунозара давом этади. Тенгдошим, сизни баҳсга чорлаймиз.

Дарс

2 нара: Домлашзнослик

Мозийдан бир дарак: Бундан қарийб XXV аср муқаддам, аниқроғи миллоддан аввалги 530 йилда бўлиб ўтган оламшумул тарихий воқеа — Скифия давлатининг подшоҳи малика Тўмарис ўз юртига кўз олайтирган боқинчиларнинг 200 минглик қўшинини тор-мор этади. Қонхўр подшоҳ Кир калласини қонга тўла мешга ботириб, қасос олади. Ватан ҳимояси йўлидаги мислсиз буюк ғалаба тарихга кирган, бу ҳақда кўпчилик билади.

душмани макрига макр билан жавоб тайёрлайди: тоғ дарасида пистирмалар қолдириб, 250 минг душман аскарини қопқонга туширгандек қамал қилиб қириб ташлайди.

Кирнинг кесилган калласини қон тўла мешга чўктириб, Тўмарис қаҳр-ғазаб билан шундай деган экан: "Энди қондан тўйгунча ич, қонхўр!" бу мислсиз ғалаба миллоддан аввалги 530 йил ёзида бўлиб ўтган экан. Тарихшунослар таъкидлашчи, мазкур сана Ўрта Осиё

Биринчи далил — Окс дарёси.

Қадимги юнонлар ўзга юртларда бошқа тилларга мансуб маҳаллий номларни кўпинча ўз тилига мослаб бузуқ талаффузда ёзиб қолдирган, ҳатто баъзан атамалар таржима ҳолида ёзилган (масалан, Лисинок пургос — Тошкент). Бу ҳақда юнон тилини ва манбааларини чуқур ўрганган буюк олим Абу Райҳон Беруний алоҳида таъкидлаб, оғохлантириб ўтган. Бундай бузуқ талаффуз этиш оқибати скиф, Скифия, Окс, Томирис,

"уч кунлик йўл" юриб дара олдида келгани алоҳида эътиборни жалб этади. Тўмарис ҳам уч кунлик масофага чекинган эди. Клавихо кўзи билан ажойиб тоғ дарасини кузатамиз: **"Бу жуда баланд тоғ, унда бир дара бор, унинг тик деворлари худди одам кўли билан тарошланганга ўхшайди: йўлнинг икки томонида текис ва баланд қоялар қад кўтарган. Даранинг ўртасида қишлоқ бор, уни устини баланд тоғ бағрига олган. Бу дарани Темир қопқа, деб атайдилар, бу жойларга бошқа йўл йўқ."** (Клавихо, 101-бет)

Клавихо Темир қопқа дарасини Амир Темурнинг энг йирик даромадли божхонаси эканлигини

АССАЛОМ, ТўМАРИС

МОМО!

Академик Б.Рибаконинг "Геродот таърифлаган Скифия" (Геродотова Скифия, Москва, 1979) асарини варақлаганда, Қора денгиз шимолидаги улкан ўлкага тарқалиб кетган скиф халқи, Скифия мамлакати ҳақида ажойиб маълумотларни гоёят қизиқиб ўқийсиз, лекин скифларнинг чиқиб келган асл Ватани бўлмиш Ўрта Осиёдаги Скифия давлати ва унинг подшоҳи малика Тўмарис, отбоқар чўпон Широқ жасорати ҳақида бир оғиз ҳам сўз тополмайсиз. Бу ҳам сохта тарихсозликнинг бир кўриниши бўлса керак.

Ҳақиқатан ҳам ҳайратга ўрин бор экан. Ахир қарийб икки асрдан ортиқ тарихчилар Геродот (миллоддан аввалги V аср) асарида таърифланган Скифия давлати муаммолари устида баҳслашиб келаётгани аниқ. Лекин ҳозиргача Скифия давлати Ўрта Осиёнинг қайси ўлкасида жойлашгани ҳақида бирор асосли исбот йўқ экан.

Дастлаб қадимги ёзма манбааларда қайд қилинган тарих билан танишайлик. Тарихчи Трог, Ютин, Геродотлар хабарлари қисқача мазмуни шундай:

Мидия-Персия (Эрон) подшоҳи Кир (миллоддан аввалги 550-530 йиллар) "Осиёни забт этиб" (ўша давр тушунчаси бўйича ҳозирги Эрон атрофидаги мамлакатлар) ниҳоят яқин қўшниси Скифия устига ҳужум бошлади. Скифлар подшоҳи малика Тўмарис чегара ҳисобланган Окс дарёсидан душманни сол-кўприк ясаб, кечиб ўтишигача атайин қаршилик кўрсатмайди. Уч кунлик масофага чекинади. Мақсад душманнинг қайтиш йўлини кесиш эди. Лекин Кир макр ишлатади: дарёдан ўтиб ичкари томон бироз юргач, Ўрдугоҳ қуриб тўхтади. Эртасига тўсатдан ўша жойни озгина кўриқчи билан шошилинч тарк этади. Айш-ишрат дастурхони, мусалласлар тўла мешлар очиклигича қолиб кетди.

Воқеадан хабардор бўлган Тўмарис шаҳзода ўғлини бир тўда аскар билан душманни қувишга юборади. Ҳали тажрибасиз шаҳзода Ўрдугоҳда гафлат тузоғига илинади: тунда яширинча қайтиб келган форс аскарлари маст-аласт, уйкудаги душманни қириб ташлайди. Қўлга тушган шаҳзода фожеага чидамай ўзини қурбон этади. Дахшатли қирғиндан хабардор бўлган малика Тўмарис душмандан аёвсиз ўч олишга қасамёд қилади. Бу ҳақда боқинчи Кирга хабар қилиб, яхшиси ўз юртига қайтиб кетишга буюради. Лекин осон ғалабадан гурурланган Кир тоғлар дараси томон юришда давом этади. Малика Тўмарис ўз

тарихидаги аниқ белгиланган энг қадимги тарихий сана ҳисобланади.

Ўша оламшумул аҳамиятга молик тарихий Буюк Ғалаба воқеаси бўлиб ўтганига XXV асрдан ошиб кетибдики, ҳозиргача халқ саркардаси қаҳрамон малика Тўмарис Ватани — Скифия давлати жойлашган ўлка аниқланмаган экан. Айниқса, Тўмарис Кир устидан қолиб чиққан тарихий манзил — тоғ дараси ҳалигача аниқланмагани юртимиз ўтмишига нисбатан нақадар бефарқ, лоқайд эканлигимизни кўрсатади.

Ҳозир ҳам ўша тарихий муаммо кўндаланг турибди. **Скифия давлати қаерда бўлган? Тўмарис қайси муқаддас заминда — жанг майдонида қолиб келган?** Бу саволларга тарихшунослар икки асрдан ортиқ вақт давомида бош қотирар эканлар. Асосан тўрт хил тахминни тадқиқотларда учратиш мумкин.

Биринчи тахмин. Кўпчилик Скифия давлати Каспий денгизи билан Амударё ораллигидаги ҳозирги Туркменистон минтақасида жойлашган, деб даъво этаркан. Лекин бу кенгликда кўндаланг катта дарё йўқлиги тахминини осонгина фош этади. Баъзилар Туркменистон шимолидаги Каспийгача борган Амударё ҳозирги қуриган Ўзбой ҳавзасини кўрсатишади. Лекин бу тахмин XX аср бошларида В.Бартольд томонидан танқид қилинган. Баъзи тадқиқотчилар Скифни Сирдарёнинг шарқий томонидаги кенгликларни кўчманчилар учун энг қулай сифатида муаммони осонгина ҳал этишган экан.

Ва ниҳоят, Амударёнинг шарқий томонидаги қадимдан обод ўлкаларни кўрсатишади, холос. Лекин барча тахминда ҳам аниқ, ҳар жиҳатдан ишонса бўладиган жой — жанг майдони ўрни кўрсатилмаган, ҳатто кўпинча бу масала бутунлай эътибордан четда қолган.

Энди тарихий муаммоларни ечишга ҳаракат қиламиз. Трог, Юстин, Геродот ёзиб қолдирган тарихий битикларда ишончли дастак бўладиган икки муҳим далилий маълумот бор, уларни таҳлил этсак муаммолар "калит" топилади.

(Тўмарис) каби атама ва номларда яққол сезилади, лекин, минг афсуски, баъзи қадимий номлар аслини аниқлаш имконияти исизсиз бутунлай йўқотилган.

Окс (ёки Оксос) дарёси ҳозирги Амударё эканлигини кўпчилик қадимги тарихий (миллоддан аввалги VII-II асрларга оид) манбаалар асосида тасдиқланади. Шу қаторда қадимги туркийлар Амударёни Ўқуз, яъни Катта дарё деб атагани маълум. Демак, ўша даврдаги табиий чегара бўлган Окс — Амударёдан шарқий томондаги қадимги маданият ўлкаларида Скифия давлати жойлашган экан. Бу хулоса Скифия давлати фақат баҳодир, жанговар кўчманчилардан иборат бўлмай, балки қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, ҳар хил хунармандчилик, заргарлик анча ривожланган санъаткорлар юрти эканидан дарак беради.

Иккинчи далил. Темир қопу (Темир қопқа) дараси.

Юнон тарихчилари айтишича, малика Тўмарис Окс дарёсидан "уч кунлик" ичкарига чекинган ва Кир қўшинларини тоғ дарасида қуршовга олиб, қириб ташлаган. Бундай дара Сурхондарёнинг Бойсунтоғ тизмасида борлиги тарихий манбааларда кўплаб қайд қилинган. Хитой зиёратчи сайёҳи Сюан Цзан 630 йилда худди шу номдаги дарадан ўтганини ёзиб қолдирган. Туркий саркардалар ҳарбий юришларида бир неча марта Темир қонугача боргани Ўрхун — Енисей тошбитикларидан (VI-VII асрлар) маълум. Чингизхон таклифи билан 1221 йилда Ўрта Осиёга келган авлиё-руҳоний Чан-чунг икки марта Темир қопу дарасидан ўтган.

1404 йил 25 августда испан элчиси Клавихо баланд тоғ дараси олдида ҳайрат билан тўхтаб томоша қилган. Бу ўринда элчи Амударёдан ўтгач, айни

алоҳида таъкидлаб ўтади. Худди шу дарада Соҳибқирон Амир Темур 1370 йилда ашаддий душмани Амир Хусайн макр-у хийла билан тузган тузоққа ўзини тушириб, қолиб чиқади.

Душман хийласини сезган Амир Темур, дара четларида олдинроқ ўз баҳодирларидан бир неча гуруҳини пистирмага яшириб улгуради. Амир Хусайн келишувни бузиб, дарага бир минг отлик аскар билан кириб келади, қаршисида Амир Темур атиги бир неча отлик билан турарди. **"Мен билан ҳаммаси бўлиб икки юз аскар бор эди. Амир Хусайн қўшинининг фавжи дарага келгунча сабр қилиб турдим. Ўзим келгунга қадар (бу ерга) юборган одамларимга уларнинг қайтиш йўлини тўсишларини буюрдим, ўзим эса ёғийга юзма-юз турдим. (Шу тариқа) дарада икки ёқдан қамалиб қолган ғаним лашкарининг кўп қисмини қўлга туширдим."** (Темур тузуқлари, 38-бет).

Тўмарис — Кир жангномасини эслатувчи, жаҳон тарихида буюк бурилиш бўлган Амир Темур — Амир Хусайн тўқнашуви натижасида Соҳибқирон учун Мовароуннаҳр тахтига йўл очилди.

Малика Тўмарис жасорати жаҳон тарихида энг қадимги ва беқиёс десак ҳато бўлмайди. Қадимги Скифия давлатининг азалий маркази Ўзбекистонимиз сарҳадларини ўзида қамраган экан. Оламшумул жанг майдони — Темир қопу дарасида бўлгани бу муқаддас заминнинг қадрини янада оширади. Малика Тўмарис қарийб XXV асрлик тарих қаъридаги забунлиқдан яна ўз жонажон Ватанига — озод ва мустақил Ўзбекистонга асрлар оша қайтиб келмоқда. Ҳар қанча фахру гурур билан тантанавор кутиб олсак арзийди. Ассалом Тўмарис момо!

Пўлат ЗОХИДОВ,
архитектура фанлари доктори

Бибихоним мукофоти таъсис этилди

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Бибихоним номидаги мукофот таъсис этилди. Темурийлар даврининг илғор фикрли аёли, беназир инсон Сароймулкхоним-Бибихоним таваллуд топганининг 600 йиллиги ҳамда 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинишининг муносабати билан таъсис этилган бу мукофотга ҳалол меҳнат қилаётган, жамоада, оилада фаол хотин-қизлар сазовор бўлади.

Ҳ.ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири

"Қатағон қурбонлари" китоби

Фарғонада "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан "Қатағон қурбонлари" китобини яратишга киришилди. Китоб қизил империя асорати туфайли қатағон этилган юртдошларимиз номини абадийлаштириш ва келгуси авлодга етказишда ишончли манбаа бўлиб хизмат қилади. Янги китобни нашр этиш билан боғлиқ харажатлар жамғарма ҳисобидан қопланади.

Р.КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири

3 нара: Тарихшунослик

Мирзилай МИРЗО

БОЙЧЕЧАКЛАР МАНГУДИР...

Кўлимда "Талантларни излаймиз" га атаб жўнатилган бир даста шеър. Улар асосан ҳаваскорлардан. Шу боисдан уларни тўлқинланиб варақлайман. Мен учун улар шунчаки оддий тизмалар эмас, балки бир даста умид, бир даста ҳаяжон, бир даста ҳайрат бўлиб кўринади.

Шу сония беихтиёр болалигим ёдимга тушади. Биз баҳор келиши билан ҳарир туманларга чўлгонган қиру адирлар сари югуриб кетардик. Бойчечакни ким олдин топаркин — муддаомиз шу бўларди. Елиб-югуришдан чарчаб, бир жойга тўпланганимизда ҳаммамизнинг кўлимизда бир дастадан бойчечак бўларди.

Мен кўлимдаги даста шеърларни ўша бойчечакларга ўхшатгим келади. Агар ўзингизни қийғоч ёздаги чаману гулзорлар рўпарасида тасаввур қилсангиз, бойчечаклар жуда жимит, умри сониялик гулдир. Бу рост. Лекин улар қиш қаҳрини енгиб, муз кетмаган адирларда униб дунёга илк назар ташлаганликлари учун бари бир бетакрор жозобага эгадир.

Мен ёш юраклар кенгликларида куртак отган ҳаяжонларни, туйғуларни ана шу бойчечакларга ўхшатаман.

Шеърлар билан танишарканман, дастлаб уларнинг муаллифлари мамлакатимизнинг турли бурчакларида эканлиги туфайли ичдан мамнун бўлдим. Шеър эзгуликдан тугилади. Кўлига қалам олган одам, дунёни поклайин, дейди. Демак, Ватаннинг турли бурчакларида ана шундай мусаффо ниятлар гупуриб турибди.

Мамнунлигимнинг яна бир сабаби — бозор иқтисодиёти уфқларига дастлаб қадам кўйган йиллар таниқли бир адибнинг "Адабиёт ўладими?" деган савол-нидоси янграган эди. Ўша йиллар кўплар турмуш кечириш-ку қийинлашиб боряпти, бундан бу ёғига ким ҳам кўлига қалам олишни ҳавас қиларди, деган ўйга ҳам бориб қолганди.

Кўриниб турибдики, шеър ҳамиша барҳаёт — қиш қаҳрини синдирган бойчечаклардек ҳар янги авлод қалбида жарангос солаверади.

Мен қаламқашлар ижоди билан танишар эканман, уларда алмоий-алжойи мисралар камлигидан ҳам мамнун бўлдим. Шу боисдан улардан қусурлар ахтариб, ёш муаллифларни ранжитишни ният қилмадим.

Шеърларнинг мавзулари ранг-баранглигини алоҳида эътироф этиш керак. Айримларида шу кунга ҳамқаддам, ҳамнафас бўлиш туйғулари ҳам аён сезилади. Зеро **гудистонлик Химоят Назарова** Соғлом авлод йили муносабати билан ёзган шеърда шундай дейди:

**Ҳақиқат боғидан гуллар теролган,
Ўз халқига юрак кўрин беролган,
Дунё минбарида ўзин кўролган
Покдомонлар керак Ўзбекистонга,
Ҳақ томонлар керак Ўзбекистонга!**

Муаллиф жўшқин туйғуларини узун шеърда собитлик билан баён қилар экан, ҳамиша муваффақият қозонавермайди. Бунинг учун қаламқаш ўзи сатрларига ўта талабчан бўлмоғи керак. Лекин юқоридаги сатрлардаги покдомон ва ҳақ томон топилма оҳангдошлиги муаллифнинг маҳорати, шеърда учкун ярата билишидан далолатдир.

Навоийлик Азамат Шарипов эса

баҳор нафасини бериш учун анҳорни "яшил нурга чўмган", дея таърифлайди. Бу сатрдан хаёлингизда яшил дарахтлар соясида оқувчи анҳор жонланади.

Тошкентлик талаба Отабек Аслонов эса "Юлдузларга аразлаб кетдим..." дейди севги ҳақидаги шеърда. Тасаввур қилиб кўринг: ёри ишқида ҳар кеча юлдузларга термилувчи ошиқ... У висолдан буткул умид узгач, юлдузлар оламига сингиб кетади... Кўнгилда юқоридаги сатрдан, фақат яхши одамгина юлдузлар оламига кетишга аҳд қилади, деган туйғу кечади.

Ҳаваскорлар шеърятини илк сев-



ги ва муҳаббатнинг оташин ҳовурларисиз, беадад қийноғу изтиробларисиз тасаввур қилиб бўладими? Йўқ, албатта. **Наманган вилояти. Косонсой туманида** яшовчи Макнуна тахаллуси билан шеър битган **Наргиза Каримова** шундай ёзади:

**Муздек ялтирар кўзларимда ёш,
На қилай, яна қанча берай бардош,
Айтгин, қайларга урайин бош,
Нега таҳқирлайсан, недур гуноҳим?!**

Бу сингари ёш юрак алангалари-ла йўғрилган сатрларнинг сеҳр ва жозибаси шундаки, сочига оқ оралаганларнинг ёдига яна ёшликнинг ажиб хотираларини солади. Ва улар бир замонлар кечиб ўтган асов дарёлар шовқинларини яна қайтадан илғагандек бўладилар.

Баҳор бор экан, бойчечаклар мангудир. Ёшлар бор экан, шеър тоабат ёзилажак! Бу туйғулар инсонга умид беради, уни руҳан бардам қилади, ҳаётнинг бардавомлигига ишонтиради.

Шу боисдан қиш рутубатидан сиқилганларнинг бойчечак олдида таъзим қилишлари бежиз эмас.

Қашқадарёнинг Китоб туманида яшовчи 17 ёшли **Зебунисо Раҳматова** худди менинг айтганларимни тасдиқламоқчи бўлгандек, ушбу сатрларни ёзибди:

**Баҳор фасли эди... Ҳамон ёдимда,
Юрагимга илк бор тонгдек покиза —
Ифорин таратиб кириб келдинг-да,
Ва сен мени мафтун қилдинг, шеърят!**

Нурларга ўралиб яшагим келар,
Орзулар бўйнидан тизгинин ушлаб.
Гуллар солгим келар, чексиз осмонга,
Камалак рангидан ранг олиб, безаб.
Сеҳргар бўлсам-у кўринмай қолиб,
Барчага эзгулик инъом этардим.



Қ А Ҳ И Ҳ Д И

Зиёнинг уруғин ҳар қалбга солиб,
Ёмонлик номини ёлғон этардим.
Қуёш нурларидан мен арқон ўриб,
Учардим фалакка арғумчоқ солиб.
Бепойн боғларда мен кўкка боқиб,
Беғуборлик куйин ижод этардим.
Қанийди...
Қанийди...



Гулзодабегим **ГУЛБОЕВА**,
Навоий давлат педагогика
институтини 2-курс талабаси

Фақат шамол силаган кокил,
Фақат ёмғир ўпган дудоқлар.
Булбулга ҳам берилмаган тил,
Уйилмаган бодом қовоқлар.

Асалдан ҳам шириндир сўзлар,
Кўнғирокдай жарангдор кулгу
Лола янглиғ қирмизи юзлар,
Оҳ, кўзлар ҳам мисоли оху.

Қаламқошу эҳ, хипча беллар,
Олмадайн сулув ёноқлар.
Ўтли юрак, қайноқи диллар,
Шакарлабу олов кучоқлар.

Гапларимни тинглагил, эркам,
Бунинг бари сенда мужассам.

Жўрабек **РАМАЗОНОВ**,
Бойсун тумани

Қ А Ҳ О М Қ О Қ Қ А Ҳ О Р З У Л А Р

Шамол эсар борлиқ кафтида
Эркалатиб дарахтлар юртин.
Жонланади қуёш тафтида,
Қанот қоққан орзулар бутун.

Армонларнинг алангасида,
Сархуш хаёл йиғади кучин.
Муҳаббатнинг тор қалъасида,
Тонг отади келажак учун...

Азамат **ЗАРИПОВ**,
Кармана тумани

Б А Ҳ О Р

Бугун тонгда деразасини
Қуёш очиб юборди хушқол.
Нур-қўлларин силкиб оламга
Жилмайиб хуш кўрсатди жамол.

Насим елар хуррам, шодумон,
Кенг борлиққа меҳрини сочиб.
Новдаларда гуллар уйғонди
Оппоқ-оппоқ кўзларин очиб...

Абдуманноп **ТОШТЕМИРОВ**,
Фарғона вилояти,
Бағдод шаҳарчаси

Қ Ҳ К Л А М

Учиб келар қалдирғочлар,
Ўрилади узун сочлар,
Дехқон ерга уруғ сочар,
Баҳор келсанг, келсанг Баҳор.

Ёлғиз қолган мажнунтоллар,
Ошиқларни яна чорлар.
Худди ёшдай қувнар чоллар,
Баҳор келсанг, келсанг Баҳор.

Қиз либоси товланади,
Ўксик диллар овланади.
Сумалаклар қовланади,
Баҳор келсанг, келсанг Баҳор.

Бошланади ёрнинг нози,
Авж олади хофиз сози,
Илҳом Наби қушиқ ёзди,
Баҳор келсанг, келсанг Баҳор.

Илҳом **НАБИ**,
Асака тумани

ДАРЕ

4 нара: Эркин соат

УЗА **ПЕКИН.** Россия ҳукумати раисининг ўринбосари Иля Клебанов уч кунлик амалий ташриф билан Хитойга келди. У ХХР раиси Цзян Цзэмин, давлат кенгаши раҳбари Чжу Жунци ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган масалалар юзасидан фикр алмашилади.

ТЕХРОН. 1 март куни Эрон қуролли кучлари ўтказган тақомиллаштирилган ракета синови муваффақиятли кечди. Эрон Ислом Республикаси ахборот агентлиги хабарига кўра, мамлакат мутахассислари тўрт йил давомида "Андоза" деб номланган ракетани қайта ишлаб тақомиллаштирган. Ҳазир ракетанинг асосий қисмлари хориж-дан келтирилган.

СЕУЛ. Жанубий Корея иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотида кўра, ўтган йили мамлакатда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 10,2 фоизни ташкил этган. Бу мамлакат ҳукумати кутганидан 2 фоиз кўп. Жануби-шарқий Осиёдаги молиявий бўҳрон оқибатида 1998 йилда Жанубий Кореяда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи анча тушиб кетганди. Уша йилги кўрсаткич манфий 5,8 фоизни ташкил этганди.

ДЕХЛИ. Синхуа ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Хиндистон ҳукумати навбатдаги молия йилида ҳарбий соҳа учун 585,87 миллиард рупий (тахминан 13,62 миллиард АҚШ долларига тенг) ажратади. Бу кўрсаткич жорий молия йилидаги нисбатан 28,2 фоиз кўп бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 3,32 фоизини ташкил этади.

ЛОНДОН. АҚШ энергетика вазири Билл Ричардсоннинг нефть экспорт қилувчи мамлакатлар бўйлаб қилган 12 кунлик сафари ниҳоятга етди. Ушбу сафардан мақсад мазкур давлатларни "қора олтин" қазиб чиқаришни кўпайтиришга кўндириш ва шу йил билан жаҳон бозорида бу хомашё нархининг пасайишига эришиш эди. Буюк британиялик экспертларнинг айтишича, унинг бу нияти пучга чиққан. Мазкур мамлакатлар АҚШнинг очикдан-очик тазйиқидан норози бўлган ва яқин ўртада нефть қазиб олишни кўпайтиришга қафлат бермаган.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда мактабда ўқувчилар томонидан содир этилган қуролли жиноятлар сони яна биттага кўпайди. Мичиган штатидаги Маунт-Моррис шаҳарчаси мактабларидан бирида олти ёшли биринчи синф ўқувчиси ўз тенгдоши бўлган бир қизчани тўпонадан отиб ўлдирди. Хабарларга қараганда, жиноят содир этилишидан бир кун аввал икки болакай ўзаро уришиб қолган. Кейинги кун икки ҳам бу ҳол такрорланган, бола қизчага ўқ узган.

ТБИЛИСИ. Буюк Британия мудофаа вазирлиги делегацияси Грузияга келди. Хабарларга қараганда, ушбу ташриф давомида делегация аъзолари Грузия мудофаа вазири Давид Тевзадзе, мамлакат қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи Жони Пирцхалаишвили ва ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти билан музокаралар ўтказди. Учрашувларда икки давлат ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

МОНТЕВИДЕО. Уругвайда ҳокимият-ни мамлакатнинг янги Президентига топшириш маросими бўлди. "Колорадо" партияси вакили Хорхе Батлье ўз лавозимини тарқ эт-

НЕФТЬ ҚИММАТЛАШМОҚДА, ҚУРАШ КУЧАЙМОҚДА

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида нефтининг баҳоси тобора ошиб бормоқда. АҚШ Президенти Билл Клинтон дунёда ёнилғи нархи қимматлашаётган бир пайтда ўз нефть захираларини очиши мумкинлигини айтди. Шуниси диққатга сазоворки, охириги 9 йил давомида биринчи марта нефть нархи рекорд даражада кўтарилиб кетган. Клинтоннинг айтишича, нефть нархининг барқарорлашуви Америка халқининг манфаатларига мосдир. Шу

ларга кўтарилди. Сўнгра дунёда энг кўп нефть қазиб олувчи Саудия Арабистони бир кунлик нефть қазиб олиш ҳажмини 3,8 миллион баррелдан кўтариш ҳақида баёнот берганида нефтининг нархи шу заҳоти икки баробарга тушиб кетган. Эслатиб ўтамизки, бир баррел нефть 150 литрга тенгдир. Агар дунёда нефть арзонлашса, экспортларнинг таҳминига қараганда, ОПЕК давлатлари кунига 200 миллион доллар йўқотар экан. ОПЕКка аъзо мамлакатлар Саудия



мақсадлар учун АҚШ Форс кўрфазидagi ўз нефть захираларининг 500 миллион баррелни ишлатиши мумкин. Ҳўш, жаҳон бозорида қора олтин нархи кўтарилиб кетганлигининг сабаби нимада?

Нью-Йорк нефть биржасида нефть нархи уч баробарга кўтарилган. Бунинг асосий сабаби эса 1999 йил февраль ойининг ўрталарида нефть қазиб чиқараётган ва экспорт қилаётган давлатлар ташкилоти ОПЕКка аъзо мамлакатларнинг нефть ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш ҳақидаги қарори сабаб бўлди. Экспортлар эса нефть қимматлашуви яна бошқа сабабларга ҳам боғлашмоқда. Шулардан бири Косово мождарга билан боғлиқдир. Чунки ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши ва давом этиши нефть маҳсулотларига бўлган талабни оширади. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг Европадаги ўз реактив самолётларини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида кўшимча 1,1 миллиард баррел бензин сотиб олиш ҳақидаги қарори нефть савдосида янги тўлқинни бошлаб берган эди. Нефть нархининг барқарор ўсиши АҚШ нефть компаниялари акциялари нархини ҳам ошириб юборди. Масалан "Мобил", "Шеврон", "Экссон" корпорациялари акциялари баҳоси кескин кўтарилган.

Ўтган йили ОПЕКка аъзо мамлакатлар нефть қазиб чиқараётган ва экспорт қилаётган давлатлар ҳамда компанияларга мурожаат қилиб, қора олтин қазиб чиқаришни кунига бир ярим-икки миллион баррелга қисқартиришга даъват этган эди. Ўтган йилнинг март ойи ўртасидаги маълумотларга қараганда, бир баррел нефтининг нархи 12 долларга тушиб қолган. Маълумки, ҳар қандай товарнинг нархи тақлифга қараб белгиланади. Тақлиф кўпайган сари нарх тушади. Ишлаб чиқариш камайса нарх-наво кўтарилади. Нефть қазиб чиқарувчи ва экспорт қилувчи давлатлар ишлаб чиқаришни камайтиргани хамонқо нефтининг нархи кўтарилиб кетди. Маълумотларга назар солсак, йилига 290 миллион тонна нефть истеъмолдан ортиб қолар эди. Маълумки асримизнинг 90- йилларида Форс Кўрфазидagi уруш даврида Кувайт ва Ироқда нефть қазиб чиқариш кескин камайди. Шу заҳоти бир баррел нефтининг нархи 48 дол-

Арабистони, Жа-зоир, Нигерия, Эрон, Кувайт, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Оммон, Мексика, Венесуэла мамлакатларидир.

Нефть захираларининг бугунги кундаги миқдори 132 миллиард тонна бўлиб, ундан 95 миллиард тоннаси Араб давлатлари ва Эрон Ислом Республикасига тегишлидир. Кувайт давлатининг ер майдони Берлин шаҳрига тенг келса ҳам лекин у ердаги нефть захиралари Россия ва Америкадаги конлардан ҳам кўп. Россия ва АҚШда жами 11,5 миллиард тонна нефть захираси мавжуд деб тахмин қилинса, Кувайтдаги конлар захираси 13 миллиард тоннага тенг деб эътироф этилмоқда.

Маълумки, фақат Араб давлатлари йирик саноатчи ҳисобланган, АҚШ, Европа ва Япония каби мамлакатларни нефть билан таъминлайди. АҚШ нефть қазиб олишда етакчи ўринда турса ҳам айнан шу мамлакатлардан нефть сотиб олади. Чунки бу ерда нефть арзон. АҚШнинг ўзида эса нефть нархи икки баробар қиммат. Аваллари Араб давлатлари нефтининг нархи пастигидан даромади жуда кам бўлса, нефть қазиб олишни камайтирганларидан кейин даромадлари оша бошлади. Илгари Араб давлатларида нефтининг баҳоси арзон паст бўлгани учун ҳам ишсизлик, фақирлик ниҳоят даражада кучли эди. Нефть қимматлашган, бу давлатлар фақирликни, ташқи дунёдан қарзларини тўлаш ҳамда ишсизликни тугатишга, халқнинг турмуш даражасини кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Қора олтиннинг жаҳон бозоридagi нархи кўтарилиб бораётганлиги сабабли йирик мамлакатлар нефть захиралари кўп бўлган ҳудудларда иқтисодий ўринларни эгаллаш учун сиёсий курашни кучайтирмоқда. Каспий бўйида жойлашган Озарбайжонда нефть захираларининг кўплиги аниқланганидан кейин Россия, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатлар Кавказдан ўз ҳаётий манфаатларини изламоқдалар. Шунингдек, қора олтинга бой бўлган Форс кўрфазидagi нуфузли ўринларни олиш учун йирик мамлакатлар ўртасида зимдан олиб борилаётган кураш борган сари кучаймоқда.

**А.КИРГИЗБОВ,
А.СОЙИБНАЗАРОВ,
"Туркистон" шарҳловчилари**

ган Хулио Мариа Сангинеттидан раҳбарликни қабул қилиб олди. Х.Батлье ўтган йил 28 ноябрда ўтказилган президент сайловида "Кенг фронт" сиёсий бирлашмаси вакили Табаре Васкеса устидан ғалаба қозонган эди.

НЬЮ-ЙОРК. Бош котиб Кофи Аннанининг тавсиясига кўра, БМТ Хавфсизлик кенгаши ташкилотининг Фарбий Сахро Кабирда референдум ўтказиш бўйича миссиясининг ваколат муддатини жорий йилнинг 31 майгача узайтирди. Кенгаш аъзолари бир овоздан қабул қилган резолюцияда айтилишича, бу мuddат миссиянинг мазкур ҳудуд тақдири-ни белгилаш бўйича адолатли, демократик референдум ўтказиши учун зарурдир.

Миссия тўққиз йил муқаддам Фарбий Сахро Кабирни бошқаришга давгогарлик қилаётган Марокаш ва маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилаётган Полисаро фронтини ўртасида ўт очишни тўхтатиш мақсадида ташкил этилган.

БАҒДОД. АҚШ ва Буюк Британия Ироққа "Нефть эвазига озиқ-овқат" дастури асосида инсонпарварлик маҳсулотлари етказиб бериш тўрисидаги шартномаларга тўсқинлик қилаётиб, фақат сиёсий мақсадларни кўзда тутмоқда. Ироқнинг БМТдаги доимий вакили Саид Ҳасаннинг Бош котиб Кофи Аннанга юборган мактубида шундай фикр баён этилади. Шунингдек, ушбу мактубда "Нефть эвазига озиқ-овқат" дастури Ироқ халқининг асосий эҳтиёжларини қондира олмаслиги маълум қилинган.

ВАШИНГТОН. Германия молия вазирлиги давлат котиби Кайо Кох-Везернинг номзоди расман Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директорлигига қўйилди. Жамғарма директорлар кенгаши йиғилишида Португалия вакили Европа Иттифоқи давлатлари номидан унинг номзодини тақлиф қилди.

Жамғарма раҳбари лавозимига америкалик Стэнли Фишер ва япониялик Эйсуке Сакакибара номзодлари ҳам кўрсатилган.

ЖАКАРТА. Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид жакартапараст ҳарбийлашган гуруҳларни шарқий-тиморлик қочқинларга нисбатан зўравонлик қилишни тўхтатиш ва Шарқий Тиморга қарши ҳарбий курашдан воз кечишга қачирди. Куч ишлатишга ўрганганларнинг даври тугади, энди масалани сиёсий йўллар билан ҳал қилишга ўрганиш керак, деди у.

ПХЕНЬЯН. ҚХДР билан Австралия ўзаро дипломатик муносабатларни тиклаш мақсадида музокараларни давом эттириш ниятида. Пхеньянга ташриф буюрган Австралия ташқи сиёсат маҳкамаси делегацияси билан бўлиб ўтган учрашувлар натижасида шундай фикр баён этилди. Бунинг Шимолий Корея ташқи ишлар вазирлиги вакили айтди. Унинг сўзларига қараганда, расмий Канберра вакиллари Австралиянинг ҚХДРга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттиришга тайёрлигини ҳам таъкидлаган.

КОБУЛ. Қиш ўтиб кунлар қизий бошлаши билан, Афғонистонда секин-секин уруш ҳаракатлари авж олмақда. Кобул шимолида "Толибон" ҳаракати ва Шимолий иттифоқ қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Хабарларга қараганда, Чорикор ва Баграм шаҳарларида Аҳмадшоҳ Масъуднинг ҳарбий бўлиналари толиблар истеҳкомларига ҳужум уюштирган.

Кузатувчиларнинг фикрича, тоғларда қорлар эриши билан томонлар кенг қўламли ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборади.

ВНИМАНИЕ! ВНИМАНИЕ!

5 апреля 2000 года в 10.00 часов

Ташкентским городским муниципальным биржевым центром проводится конкурс по реализации, принадлежащей ГУП "Ташнефтепродукт" АЗС № 92 (адрес: г.Ташкент, С.Рахимовский р., ул.генерала Гафурова; стартовая цена — 9009936 сумов).

За справками и условиями проведения конкурса обращаться в Ташкентский городской муниципальный биржевой центр по адресу: г.Ташкент, ул.А.Кадыри, 13, 1-этаж, 1-комната, тел: 144-43-77, 144-72-50, 144-72-49.

СПЕШИТЕ НА КОНКУРС!

Условия конкурса:

1. Сохранение профиля деятельности приобретенной АЗС в течение 3 лет со дня приобретения, без права перепродажи.
2. Обязательство перед покупателем АЗС стать членом Ассоциации частных АЗС.
3. Обязательство в течение трех лет поэтапно и по специально разработанной программе реконструировать АЗС до уровня мировых стандартов в части эстетики, культуры обслуживания, расширения сферы оказываемых услуг, инвестируя на эти цели в указанные сроки не менее 25% получаемой чистой прибыли.
4. Обеспечение бесперебойной работы АЗС, а также соблюдение и безусловное выполнение:
 - "Временного положения о работе частных приватизированных АЗС",

утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 9.06.94 г. №290;

- требований постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан "О мерах по улучшению обеспечения нефтепродуктами г.Ташкента" от 7.09.98 г. №382;

- "Порядка предоставления и оформления документов для получения лицензии на право реализации нефтепродуктов", утвержденного постановлением Кабинета Министров от 18.09.98 г. №397.

5. Обеспечение санитарно-бытовых, противопожарных и экологических требований.

6. Предложения по цене.

7. Оказание дополнительных услуг населению (пункт замены масла, пункт мелкого ремонта автомобилей, мини маркет по продаже автозапчастей, и т.п.)

8. Обеспечение высокой культуры обслуживания населения.

9. Обеспечение бесперебойного снабжения высококачественными горюче-смазочными материалами (бензин, дизтопливо, масла) для реализации населению.

10. Содержание и благоустройство прилегающей территории к АЗС в соответствии с санитарными и пожарными нормами.

11. Льготное обслуживание участников войны и приравненных к ним категорий лиц.

Прием заявок на участие в конкурсе прекращается за трое суток до начала проведения конкурса.

АМЕРИКАДА ГАСТРОЛЛАР

Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг Нью-Йорк ва Вашингтондаги гастроль концерти муваффақиятли ўтди. Биринчи концерт икки мингдан зиёд томошабинни сиздира оладиган Нью-Йоркнинг энг нуфузли залларидан бири — "Ижро санъат маркази" да бўлди. Бу кечанинг муваффақияти олдиндан маълум эди, чунки шарқ куй ва кўшиқлари кўпчиликка уларнинг Ўзбекистонда яшаган даврларини ёдга солди. Айниқса концертга келганларнинг кўпчилиги ўзгача бир илиқлик билан Ўзбекистоннинг саҳни, меҳнатсевар халқини эсладилар.

Анъанага кўра, Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси Вашингтон аҳолиси ва шаҳар меҳмонларини мунтазам таништириб бориш мақсадида, юртимизнинг санъати ва маданиятига оид кечалар ўтказиб туради. Бу сафар Насиба Абдуллаеванинг "Самарқанд тароналари" деб номланган концертини кўриш иштиёқида бўлганларнинг ҳаммасини ҳам элчихона залига сиғдиришнинг иложи бўлмади. Меҳмонлар орасида Оқ уй маъмурияти ва АҚШ Конгрессининг вакиллари, давлат департаменти ҳамда вазирликлар ходимлари, хорижий давлатларнинг элчилари ва Ўзбекистоннинг кўпсонли дўстлари бор эди.

Машҳур ўзбек кўшиқчисининг Америка бўйлаб ўтказган қисқа муддатли гастроль концертлари океан ортида ҳам Ўзбекистонга, айниқса, унинг серқирра санъатига нисбатан қизиқиш борлигини кўрсатди.


Б. МАМАЖОНОВ,
"Жаҳон" АА,
Нью-Йорк

Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

16 МАРТАДАН
12 МАРТАГЧА

ҲАМАЛ. Ҳамкорлар билан янги битимларни душанбада тузасиз. Сешанба кuni бойийсиз. Чоршанбада ишлар о' кей. Пайшанба кuni зиддиятлардан нари юринг. Жума ва шанба сизни сирли учрашувга таклиф этади. Якшанбада яхши дам олинг.

САВР. Молиявий аҳволингизни ҳафта бошида яхшилайсиз. Се-



КЎР ХОНАНДА ОРЗУСИ

Хушовоз хонанда, дунёга таниқли Стив Уандернинг болалигидан кўзи ожиз. У Детройтда берган концертларининг бирида яқинда кўзи очилиши мумкинлигини айтди. Докторлар унинг кўз қорачиғига сигналларни мияга етказиб берадиган махсус мослама — микрочип ўрнатадиган бўлишди. Бу курилма ожиз одамнинг кўзини фақатгина 30 минут кўра олиши учун етарли даражада қувват берар экан.

Хўш, бу муддатда хонанда нималарни кўришни хоҳлайди? Стив биринчи навбатда дунёга келтирган тўртта фарзандини, 100 миллион долларлик мол-мулкни, ўтказган дарахтлари, қурган уйлари кўрмоқчи.

Стив Уандер муддати етмасдан туғилгач, парвартиш қилиш учун кислород камерасига қўйишганида ортиқча кислороддан кўзи ожиз бўлиб қолган. Етти ёшидан кўшиқ куйлай бошлади. Ўн тўрт ёшида дастлабки альбому чиқди. Шундан сўнг унинг кўшиқлари дунёга машҳур бўлиб кетди.

ЙИГИТЛАР ЮБКАДА

Англиянинг Гейтехед шаҳарчасидаги ўрта мактаблардан бирининг ўн тўрт ёшли ўқувчиси Джо Хейл дарсга юбкада қатнаб соқотди. Шу боис мактабга шим кийиб борди. Бу ўқув юртида амал қилинаётган тартиб-интизомга мутлақо зид эди. Шу сабабли мактаб директори ўжар қизнинг таъзини бермоқчи бўлди; ундан машғулотларга фақат тамойилдаги кийимда келишини талаб қилди.

Ўжар қизнинг онаси медицина профессори, инсон ҳуқуқларини яхши тушунарди. Шу боис, қизнинг фуқаролик ҳуқуқларини поймол этаётгани учун мактаб директорини судга берди. Судда ютқазиб қўйиши мумкинлигини сезган директор қизлар мактабга қандай кийимда келишини ўзлари ҳал этади, деган буйруқ чиқаришга мажбур бўлди. Ҳатто буйруқда ўғил болаларни хафа қилмаслик учун уларни машғулотларга юбкада келишига ҳам рухсат берди. Буни ҳеч кулгили жойи йўқ; чунки, азалдан шотландиялик эркакларнинг юбкада юришлари русум бўлган.

шанба кuni сизни сўроқлашади. Чоршанбада муҳим ишларга қўл урманг. Ишбилармонлар учун пайшанба хайрли кун. Жумадан янгилик кутинг. Шанбада кайфиятингиз аъло. Якшанба яқинлар даврасида ўтади.

ЖАВЗО. Душанба кuni қувонасиз. Сешанбада ҳамкорлар учрашуви. Чоршанба хушхабардан огоҳ этади. Пайшанба кuni ҳамёнингиз қаппаяди. Муҳим ишларни жумага қолдириг. Шанбада севишганлар дийдорлашади. Якшанба кuni спорт билан шуғулланг.

САРАТОН. Ҳафта бошида омад сиз билан. Сешанба кuni соғлиқни авайланг. Чоршанба ва жумада ишингиз бароридан келади. Пайшанба кuni қувонасиз. Шанбада сизни сўроқлашади. Якшанба кuni асабни асранг.

АСАД. Душанба ва шанба кунлари соғлигингизга эътибор беринг. Сешанбада ҳамкорлар билан янги битимлар тузасиз. Чоршанба кuni бойийсиз. Жумада яқинларингизни кутинг. Якшанбадаги хариддан қўнглингиз тўлади.

СУНБУЛА. Ҳафта бошидан хушхабар кутинг. Сешанба кuni бойийсиз. Чоршанба ва пайшанбада кайфиятингиз о' кей. Жумада молиявий қийинчиликлардан қутиласиз. Шанба кuni сизни йўқлашади. Якшанбада зиддиятлардан нари юринг.

МЕЗОН. Ишбилармонлар муҳим режаларини душанбада ҳал этадилар. Сешанба ва чоршанба кунлари сирли учрашув. Пайшанбада қувонасиз. Жума кuni саломатлик ҳақида қайғуринг. Шанбада алданиб қолманг. Якшанба кuni самарали ижод қиласиз.

АКРАБ. Душанба кuni кўпдан кутаётган одамнингиз билан дийдорлашасиз. Сешанба кuni асабийлашманг. Чоршанбада ҳаммаси о' кей. Пайшанба кuni руҳан анча чарчаганингиз сезилади. Жума ва шанба яқинлар даврасида ўтади. Якшанбада яхши дам олинг.

ҚАВС. Ҳафта боши сизни учрашувга таклиф этади. Сешанбада бойийсиз. Чоршанба кuni соғлигингизни эҳтиётланг. Пайшанбада қувонасиз. Жума сизни англиклардан огоҳ этади. Дам олиш кунлари қўнғилли хордиқ чиқарасиз.

ЖАДЙ. Муҳим ишларни якшанба кuni ҳал қилинг. Сешанбада зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба янги битимлар тузиш учун омадли кун. Пайшанбада яқинингизни кутинг. Жума кuni асабни асранг. Шанбада соғлигингиз безовта қилиши мумкин. Якшанба кuni узоқдагилар билан қўнғироқлашасиз.

ДАЛВ. Душанбадан хушхабар эшитасиз. Сешанба кuni асабийлашманг. Пайшанбада ҳар хил гап-сўзларга эътибор берманг. Жума кuni қувонасиз. Шанбада соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Якшанба кuni спорт билан шуғулланг.

ХУТ. Ҳафта боши молиявий аҳволингизни яхшилайти. Сешанбада сизни сўроқлашади. Чоршанба кuni соғлигингизни авайланг. Муҳим ишларга пайшанба ва жумада қўл урмаганингиз маъқул. Шанба кuni сирли учрашув. Якшанбада яхши дам олинг.

ҲАММАСИ СУННАТ ТЎЙИДАН БОШЛАНДИ

— Халолликка асосланган курашингизнинг ашаддий ишқибозига айланишимда тврлик ўзбек йигити, дзюдо бўйича Европа чемпиони Қаҳрамон Нуралиев сабабчи бўлди, — деди шу кунларда юртимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Твр области губернаторининг биринчи ўринбосари, область ўзбек кураши федерацияси вице-президенти Игорь Ялишев "Туркистон-пресс" муҳбирига. — У Тврда ўтказган ўглининг суннат тўйида рус полвонлари иштирокида кураш мусобақаси уюштириб, бизларни ҳам унга таклиф қилганди. Ушундай яқин йиллар ичида курашнинг Олимпиада ўйинлари сафидан жой олиб, жаҳон ёшларининг сеvimли спортга айланишига амин бўлгандим.

Губернатор ўринбосари май ойида Твр шаҳрида ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилажак биринчи жаҳон чемпионати хусусида халқаро Кураш Ассоциацияси Президенти Комил Юсупов билан мулоқотда бўлди.

Игорь Ялишевнинг айтишича, Твр областида ўзбек кураши федерацияси шу йилнинг январиди ташкил этилган. Азбаройи қизиқишнинг зўрлигидан ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу нуфузли мусобақани бу ерда ўтказиш ташаббуси туғилди.

Бўлғуси чемпионат ташкилотчиларидан бири, Игорь Ялишевга ҳамроҳлик қилаётган Қаҳрамон Нуралиев билан мулоқотда бўлганимизда ёшлар ўртасида Тврда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида 30 дан ортиқ давлат вакиллари қатнашиши кўзда тутилаётганини эшитдик. Ҳозирда мусобақани бекаму кўст ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмақда.

"Туркистон-пресс"

ОАО "NEFTGAZME'YOR" извещает своих акционеров о проведении общего собрания по итогам 1999 года 24.03 в 14 часов по адресу: г.Ташкент, улица Х.Абдуллаева, 32-а в зале заседания акционерного общества, тел 67-34-81.

I. ПОВЕСТКА

1. Итоги финансово-хозяйственной деятельности ОАО "Нефтьгазмейер" за 1999 год и задачи коллектива на 2000 год.

2. Отчёт ревизионной комиссии за 1999 год.

- Утверждение годового отчёта бухгалтерского баланса, счёта прибылей и убытков общества, распределение прибылей и убытков;

- Утверждение размера дивидендов по итогам работы ОАО за 1999 год.

3. Бизнес-план ОАО на 2000 год. Утверждение сметы расходования фонда накопления.

4. Утверждение консультативно-аудиторской фирмы на 2000 год.

5. Об изменении состава органов управления ОАО.

II. БАЛАНС ОАО "NEFTGAZVT'YOR" за 1999 год

№	Наименование статей	(тыс. сум)	
		АКТИВ	ПАССИВ
1.	Основные средства	12793	-
2.	Нематериальные активы	-	-
3.	Капитальные вложения	-	-
4.	Долгосрочные инвестиции	-	-
5.	Производственные запасы	282	-
6.	Денежные средства	28	-
7.	Авансовые платежи	-	-
8.	Расчёты с бюджетом	5757	-
9.	Расчёты с персоналом	-	-
10.	Расчёты с дочерними предприятиями	19969	-
11.	Прочие дебиторы	-	-
12.	Уставной капитал	-	1292
13.	Добавленный капитал	-	-
14.	Резервный капитал	-	-
15.	Перераспределённая прибыль	-	6968
16.	Долгосрочные кредиты	-	-
17.	Краткосрочные кредиты	-	4136
18.	Авансы полученные	-	-
19.	Кредиторы поставщики	-	-
20.	Задолженность по бюджету	-	1139
21.	Задолженность по оплате труда	-	1832
22.	Задолженность по социальным взносам	-	2262
23.	Задолженность по внебюджетным платежам	-	30
24.	Задолженность по дочерним предприятиям	-	6409
25.	Задолженность ассоциированных предприятий	-	-
26.	Прочие кредиторы	-	150
Итого		27898	27238

III. ФИНАНСОВЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ОАО "NEFTGAZME'YOR" за 1999 год

(тыс. сум)	
Общий финансовый результат до уплаты налогов	16803
Налог на прибыль	9574
Прочие налоги и отчисления	873
Чистая прибыль	6356

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Гулнора ХОЛБЕКОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Ташкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.